
ARCHITECTURE OF BUKHARA IN THE ASHTARKHANID PERIOD

Annotation: This article scientifically analyzes the development of science, culture, art and architecture during the Ashtarkhanid dynasty, which left a significant mark on the history of Uzbek statehood, the new methods used in construction, the interior and exterior of monuments, the experience of government officials. Issues related to the construction of Labi Hovuz, Registan, madrassas, mosques, khanaqahs and caravanserais are mentioned.

Key words: Abdulazizkhan, Ubaydullah Khan, Labi Hovuz, ensemble, madrassah, mosque, khanaqah, Registan, architect, mosaic, building, caravanserai, market

ЗОДЧЕСТВО БУХАРЫ В ПЕРИОД АШТАРХАНИДОВ

Аннотация: в данной статье научно проанализировано развитие науки, культуры, искусства, зодчества, новые методы в градостроительстве, интерьер и экстерьер памятников, опыт государственных деятелей в зодчестве, об ансамблях Ляби хаус, Регистан, вопросы строительства медресе, мечетей, ханаках, карвансараев-базаров (рынков) в период правления династии Аштарханидов в Бухарском ханстве, оставившая большой след в развитие узбекской государственности.

Ключевые слова: Абдулазизхан, Убайдуллахан, Ляби Хаус, ансамбль, медресе, мечеть, ханака, Регистан, архитектор, мозаика, здание, карвансарай, базар (рынок).

АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИ БУХОРО МЕЪМОРЧИЛИГИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбек давлатчилиги тарихида салмоқли из колдирган, Бухоро хонлигини бошқарган Аштархонийлар сулоласи даврида илм-фан, маданият, санъат ва меъморчиликнинг ривожини, қурилишдаги ишлатилган янги услублар, обидаларнинг ички ва ташқи кўриниши, давлат амалдорларининг буёнкорлик-қурувчилик тажрибаси, Лаби Ҳовуз, Регистон ансамбллари ҳақида, мадраса, масжид, хонақоҳ ва карвонсарой-бозорларнинг қурилиши ҳақидаги масалалар илмий житҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Абдулазизхон, Убайдуллахон, Лаби Ҳовуз, ансамбл, мадраса, масжид, хонақоҳ, Регистон, меъмор, мозаика, бино, карвонсарой, бозор

-Кириш (INTRODUCTION)

Ўрта Осиё, айниқса Бухоро карвон йўллари кесишмасида жойлашган муҳим аҳамиятга эга шаҳар саналганлиги учун бу шаҳарда хўжалик, маъмурий ва маърифий аҳамиятга эга биноларнинг кўп бўлиши табиий ҳолат эди. Бухорода сулолалар алмашинуви кўп кузатилган бўлишига қарамай, шаҳарда қурилган бинолар ўзининг маҳобати, безак услублари, фойдаланиш жиҳатларига кўра ўзгариб бораверган. Айниқса, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида

меъморчилик биноларида аввал мавжуд бўлган анъаналардан фойдаланилган ва уларга қисман ўзгартиришлар киритиб борилган. Биноларнинг ташқи ва ички интерерларини безатишда сиркор ғишт парчаларидан фойдаланиш давом этган. Бухоро меъморчилик мактаби Темурийлар даврида бунёд этилган Улуғбек мадрасаси асосида шаклланган бўлиб, бунинг ўзиёқ минтақада меъморчилик анъанасига айланади. Бу шаклдаги биноларни барпо этиш усули Ўрта Осиёнинг бошқа иншоотларида ҳам яққол кўзга ташланади. Маълумки, Шайбоний Абдуллахон даврида эришилган ютуқлардан кам фойдаланилиб, асосан Темурийлар даври меъморий иншоотларига тақлид кучая борган. Шу билан бароварида йирик ансамбллар барпо этиш анъанаси қайта тиклана борди.

-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлил (LITERATURE REVIEW)

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврига оид ёзма манбалар ичида Махмуд ибн Вали (1595-1640) нинг «Бахр ул-асрор фи манокиб ул-ахер» (Олижаноб кишиларнинг шон шавкати ҳақида сирлар денгизи), Мир Муҳаммад амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Муҳаммад Юсуф Муншининг «Тарихий Муқимхоний», Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-Мулк», Абулгози Баҳодурхоннинг «Шажараи Турк», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих», Муҳаммад Вафо Карманогийнинг «Тухфат ул-хоний», Абдурахмон Толеъ (Абдурахмон Давлат) нинг «Тарихи Абулфайзхон» асарлари муҳим тарихий манбалар ҳисобланади. Шунингдек, 1605 йилда ёзилган Муҳаммадёр ибн Араб қаламига мансуб «Мусаххир ул-билод» (мамлакатлар фатҳи), 1569 йилда ёзилган. Султон Муҳаммад Балхий қаламига мансуб «Мажмаъул-гаройиб», 1616-1629 йилларда ёзилган Искандарбек мунший қаламига мансуб «Тарихи оламаройи Аббосий», Жуйбор шайхлари таржимаи ҳолидан иборат, Жуйбор хожаларидан бири Тождин Хасаннинг ўгли Абулаббос Муҳаммад Толиб Сиддикий томонидан 1663 йилда ёзилган «Матлаб ул-толибин» (Толиблар матлаби), Аштархонийлар сулоласига мансуб шахзода хожа Мир Муҳаммад Салим томонидан 1730 йилда ёзилган, ҳозирда ягона ҳисобланган нусхаси Буюк Британиядаги Бодлеян кутубхонасида сақланаётган «Силсилат ус-салотин» каби асарлари ҳам аштархонийлар даври тарихи, сиёсий ва иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётини ўрганишда катта ёрдам берувчи асарлар ва муҳим тарихий манбалар ҳисобланади. Мавзуга доир адабиётларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бухоро хонлиги даврида ёзилган тарихий асарлар.
2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр этилган тадқиқотлар.
4. Хорижда яратилган тадқиқотлар.

-Тадқиқот методологияси (RESEARCH METHODOLOGY)

Тадқиқот иши тарихийлик тамойили, хронологик ва қиёсий таҳлил усларига таянади.

-Таҳлил ва натижалар (ANALYSIS AND RESULTS)

Бухоро Шайбонийлар сулоласи тахтдан кетиб, аштархонийлар сулоласи вакиллари ҳокимият тепасига келгандан кейин ҳам ўзининг пойтахт мақомини сақлаб қолди. Бухоро хонлиги тасарруфига кирган ҳудудларида шаҳарсозлик ва меъморчилик аввалги маҳобат билан бўлмаса-да анча ривож топди. Кўплаб маърифий ва маъмурий хўжалик бинолари, жумладан, масжид, мадраса, карвонсарой, бозор, хонақоҳ ва ҳаммомлар барпо этилди. Фақатгина уларнинг ташқи қиёфасидаги айрим ўзгаришларни инобатга олмаганда, аввалги даврлар анъанаси мавжуд бўлиб қолди.

Бухоро хонлик пойтахти бўлган даврда алоҳида меъморчилик мактаблари ташкил этилиб, нафақат пойтахтда, балки бошқа шаҳарларда ҳам шаҳарсозлик борасида катта ишлар амалга оширилган. Сиёсий вазият қандай бўлишидан қатъий назар, ҳукмдорлар ва уларнинг амалдорлари тарафидан қурилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг натижаси ўлароқ, пойтахтда Абдулазизхон, Убайдуллахон мадрасалари, Боки Муҳаммад, Убайдуллахон масжидлари, Субҳонқулихон Регистонда қаздирган кудук, Дор аш-шифо, Балхда Нодир Муҳаммад ва Субҳонқулихон мадрасалари, унинг атрофида чорбоғлар, Балх аркидаги иморатлар, ҳазрати Али мазоридидаги гумбаз ҳамда бошқалар фикримизнинг тасдиғидир. Аштархонийлар сулоласининг пойтахти бўлмиш Бухоро шаҳри меъморчилигида ушбу даврда меъморлар иншоотларнинг қурилишига алоҳида эътибор беришган ҳамда биноларнинг безак ишларида нақшинкор маёлика аралаш усулдан фойдаланганлар, кўпинча терракота асосида геометрик мозаикани ҳам ишлатишган. Аммосиёсий ва иқтисодий таназул оқибатида уларда ишлатилган безакларнинг сифати тобора пасайиб бораверган.

Ўрта Осиё меъморчилигининг гўзал композитсион кўриниши саналмиш Лаби Ҳовуз ансамбли бугунги кунгача кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. У бир неча тарихий меъморий иншоотлардан ташкил топган. Ансамбл иншоотлари ичида дастлаб қурилгани Кўкалдош мадрасаси саналади. 1569 йилда Шайбоний ҳукмдор Абдуллахон томонидан Ўрта Осиёда йирик мадраса қурдиришга қарор қилади. Шунинг натижасида давлат амалдори Қулбобо Кўкалдош қурилиш ишларига бошчилик қилган. Қизикарли жиҳати, бу Абдуллахон даврида Кўкалдош қурдирган ягона мадраса эмас эди. Иншоот Ўрта Осиё мадрасалари орасида энг каттаси ҳисобланиб, ўз ичига 160 та хужрани қамраб олган. Аммо ушбу ўқув биноси маблағ ва турар жойни тежаш мақсадида иккита гумбазли қилиб барпо этилган. Иншоот ўз даври меъморчилик қоидаларига кўра мозаика ва маёлика билан безатилган. Ички қисмида масжид ва хужралари мавжуд. Лекин бу пайтда у ансамблшаклига кирмаган эди.

Бугунги кунда меъморий ансамбл таркибига кирувчи яна бир иншоот Нодир Девонбеги хонақоси саналади. Хонақоҳлар камдан кам ҳолатларда марказий ансамблларнинг таркибий қисми саналган.³ Асосий ҳолларда улар, давлатнинг бой амалдорлари ва шайхларнинг муридлари томонидан бунёд этилган. Мазкур иншоотнинг ички қисми квадрат кўринишидаги зал шаклига эга, унинг юқориси гумбаз билан қопланган. Бинонинг ташқи томонидан хужралар тақаб қурилганлигига гувоҳ бўламиз. Асосий пештоқ мозаика билан безатилган бўлиб, араб ёзувидаги ёзувлар тасвири мавжуд. Иншоотнинг ён томони эсагулдаста-мезаналар билан безатилган. Аштархонийлар ҳукмронлиги даврига келиб, ҳовуз атрофида бинолар қурилиши билан Лаби Ҳовуз меъморий ансамблига айлана борди. Гарчи қурилатган иншоотлар кам бўлса-да, аммо биноларнинг маҳобати билан аввалгиларига рақобатдош бўлган. Маълумки бу пайтда Кўкалдош мадрасаси қуриб бўлинган эди. Қизикарли жиҳати бу меъморий иншоотларнинг бирортаси ҳам ҳукмдор номи билан аталмаслиги билан алоҳида ажралиб туради.

Вазир номи билан боғлиқ бўлган яна бир иншоот Нодир Девонбеги мадрасасидир. Аслида карвонсарой вазифасида қурилган иншоотнинг бошқа мадрасалардан фарқли жиҳати миёнсаройнинг мавжуд эмаслигида. Бундан ташқари, асли бошқа мақсадда барпо этилган мадрасада дарс хоналар, масжид, хос айвонлар мавжуд эмас. Аслида юқорида саналганларнинг ҳаммаси ўқув бинолари учун характерли саналган. Бино 1622-1623-йиллар оралиғида барпо этилган. Эътиборли томони шундаки, Нодир Девонбеги мадрасаси пештоқидаги қуёшга томон учаётган қуш тасвири берилганлиги 1437-йилда Улуғбек учун тайёрланган жадвалда келтирилган буржларнинг берилганлиги билан изоҳланади. Айрим манбаларда бундай тарзда ифодаланиш икки хил талқин қилинади ва иккаласи ҳам ислом дини кириб келишидан олдинги мазмунни, яъни мунажжимликни ифодалайди. Мадраса ҳовузнинг шарқий томонида

жойлашган бўлиб, хонақо билан биргаликда кўш услубни эслатади. Мадрасага айлантирилган карвонсаройнинг тархидан шуни билиш мумкинки, унда мадраса учун хос бўлган ўқув зали учрамайди. Шунингдек, унинг ички қисмида кўшимча пештоқлари мавжуд эмас. Қизиқарли жиҳати шундаки, мадраса ва хонақо деярли бир даврда қурилган ва ҳар иккаласида ҳам мозаикадан фойдаланилган. Бироқ улардаги мозаикалар бир-биридан фарқ қилади

Масалан, хонақо пештоқидаги китоба маёликали мозаика услубида бажарилган бўлса, мадраса биносида геометрик мозаикани учратамиз. Шунингдек, Девонбеги номи билан аталадиган ҳовуз 2,5 метр чуқурликка эга бўлиб, саккиз қиррали кўринишга эга. Унинг уч томони меъморий ёдгорликлар билан ўралган бўлиб, фақатгина жанубий – Шоҳруд канали ва савдо кўчасига рўпара кўчаси очик қолдирилган холос. Мазкур ҳовуз шу ҳудудда сақланаётган ҳовузлар ичида катталаридан бири ҳамда меъморий ансамблнинг ажралмас қисми саналади. Зероки, шаҳар марказидаги ушбу ансамблнинг номи ҳам бевосита у билан боғлиқ. Ҳовузлар асосан яқин орадаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш вазифасини бажарган. Уларнинг атрофи доим мешкоблар билан тўла бўлган. Бу XX аср бошларида чет эллик фотографлар томонидан олинган суратларда ҳам ўз аксини топган.

Аштархонийлар даврига келиб монументал қурилишлар камайса-да, шаҳарнинг марказий қисмларида вужудга келаётган ансамбллар ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб тураверган. Жумладан, Лаби Ҳовуз ансамбли фикримиз исботи. Абдулазизхон мадрасаси бунёд этилиши билан Бухорода кўш мадрасалар сони яна биттага ортган. Бундан ташқари, 1617-йилда Регистон майдонида Пояндабий масжиди барпо этилади. 1637-йилда эса Мағоки Кўрпа масжиди қад ростлаган. Ҳукмдор қароргоҳи саналмиш Арк кўрғонида жонийлар ҳукмронлиги даврида кўплаб иншоотлар қад кўтарган. Бу ҳақда Носирхон Тўранинг “Таҳқиқоти Арки Бухоро” китобида этарлича маълумотлар учрайди. Масалан, Абдулазизхон даврида барпо этилган Маросимхона биноси, Субҳонқулихон даврида қад кўтарган Жомеъ масжиди бинолари шулар жумласидандир.

XVIII-асрда Самарқанд Регистон ансамблининг ҳозирги қиёфаси шакллантирилди. Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир 1619-1635-йилларда Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қаршида, вайрон этилган хонақоқ ўрнида Шердор мадрасасини, 1646-1659-йилларда Тиллақори масжид-мадрасасини барпо эттиради. Самарқанд Регистон ансамбли ўзининг ранг-баранг кошинкор безаклари, нақшинкопештоқлари, улкан гумбазлари билан Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб тарихий ёдгорлиги саналади. XVIII асрнинг 60-йилларидан Бухоро сиёсий курашлар майдонига айланиб боравериши натижасида унинг маданий ва иқтисодий аҳамияти бироз пасайгандек бўлди. Ўша даврда эронга ташриф буюрган поляк элчиси кузатувларига қараганда, Абдулазизхон “турли фан соҳаларида, айниқса, математика соҳасида олим одам” бўлган. У форсларга тез-тез ўз кучини ҳис қилиш имкониятини берарди. Шу ўринда яна бир маълумот, қолган аштархоний ҳукмдорлар сингари Абдулазизхон ҳам ижод кишиси саналган. Жумладан, у “Азизий” тахаллуси билан шеърлар битган³. Шунингдек, у насх ва настаълиқ хатида ёзишни, мактуб ва иншо машқини замонасининг энг сара алломаларидан ўрганган эди. Кейинчалик олий ҳукмдор даражасига этишганда, Ҳиндистон, эрон ва Румга хоҳ туркий, хоҳ форсийда бўлсин, нома битиларкан, уларни ўзи таҳрир қилиб, ёқмаса бошқатдан ўзи ёзаркан.

Абдулазизхон ҳукмронлиги даврида меъморчилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, Бухорода ўз номи билан ва Волидаи Абдулазизхон, Самарқандда Тиллақори мадрасаларини барпо эттиради. Улар орасида ташқи пештоқи муқарнаси бетакрор саналадигани бу Бухоро шаҳридаги Абдулазизхон мадрасаси саналади. Ўрта осий меъморчилигининг XVIII- асрдаги ғоят улкан меъморчилик намунаси ҳақида Пугаченкова ҳамда Ремпелнинг “Очерки искусства Средней Азии” китобида этарлича маълумот берилган. Шунингдек, ҳукмдор ўз даврида

кўлёмалар кутубхонасини ташкил этади. Абдулазизхон томонидан барпо этилган Миракон, Бозори Гўсфанд, Хиёбон мадрасаларининг айримлари бизнинг давримизгача этиб келган.

Ўрта Осиё меъморчилигининг ноёб намунаси саналган Абдулазизхон мадрасаси ташқи интерери ўта нозик дид билан ишланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унда бир-бирига яқин бўлган ранглар уйғунлиги муқарнас қисмида ажойиб манзара касб этиб туради. Мадрасада ишлатилган ҳамма безаклар – янги ва қадимги усулларнинг уйғунлиги қўлланилишининг энциклопедияси деб ҳисоблаш мумкин. Сабаби ажойиб ва фусункор ушбу мадрасанинг китобалари уч хил усулда безатилган. Булар маёликали мозаика, нақшинкор маёлика ҳамда геометрик мозика.

Бухоро шаҳрида хўжалик бинолари қурилишига алоҳида эътибор берилган бўлиб, уларнинг аксарияти шаҳар марказларида, бозор ва савдо расталари яқинида қурилган. Биргина Регистон майдонининг ўзида бозор биноти атрофида Субҳонқулихон томонидан барпо этилган Дор аш-шифо (аптека) мажмуаси мавжуд бўлган. Афсуски ушбу иншоот бизнинг кунгача этиб келмаган. Ўрта Осиёда ҳаммомлар жойлашган жойига қараб турларга бўлинган. Умумшаҳар ёки гузар ҳаммомлари бир-биридан фарқ қилган. Ўрта аср ҳаммомларининг айримлари ҳозиргача сақланиб келинмоқда. Археологик тадқиқотлар натижасида ҳам ҳаммом қолдиқлари топилган. Ҳаммомлар жамоат бинолари олдидан, кўп ҳолларда масжидлар ёнида барпо этилган. Бухоро меъморчилигида сарой ва бой зодагонларнинг меҳмонхоналари қурилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бундай иншоотларнинг ҳажми, безалиши каби белгилари хонадон соҳибининг жамиятдаги мавқеини белгилаган. Дахлизнинг юқори қисмида алоҳида меҳмонлар учун шаҳнишин (шоҳ ўтирадиган жойлар) қурилган. Бухоро меъморчилигидаги ушбу анъаналар кейинги даврлар учун ҳам характерли бўлиб ҳисобланган. Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигининг сўнгги подшолари даврида Бухоро Регистонида Боло-Ҳовуз масжиди барпо этилган.

Убайдуллахоннинг ҳукмронлик йиллари ўша давр сарой муншыйси вазифасида фаолият юритган Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” китобида 1702-1716-йиллар орасида рўй берган воқеалар баён этилган. Аммо китоб унинг вафотидан кейин ёзилгани маълум. Бундан ташқари Убайдуллахон мамлакатдаободончилик ишларига эътибор қаратган. У мадраса ва Бухоронинг ғарбида Хонобод чорбоғи(1709)ни барпо қилган¹. алоҳида эътибор беришган ҳамда биноларнинг безак ишларида нақшинкор маёлика аралаш усулдан фойдаланганлар, кўпинча терракота асосида геометрик мозаикани ҳам ишлатишган. Аммо сиёсий ва иқтисодий таназзул оқибатида уларда ишлатилган безакларнинг сифати тобора пасайиб бораверган. Ҳозирга қадар сақланиб қолган жонийлар даври масжид ва мадрасалардаги деворий безаклар бунга мисол.

XVIII-аср шаҳарсозлигида Бухоро Регистони ғарбий томонида, Арк қалъасининг тўғрисида 1712-йилда Боло-Ҳовуз масжиди барпо этилди². Жонийлар даври меъморчилигининг кўплаб иншоотлари бизнинг кунимизгача этиб келмаган ва тадқиқотчилар нигоҳини ўзига тортиб келмоқда. Бундан ташқари Бухоро шаҳарсозлигида ўрта аср уйлари андазаси сақланган бўлиб, тор кўчалар сув ва дарахтлари кам ҳолатда учраб турган³. Бухоро шаҳридаги бой зодагон ва савдогарларнинг уйлари 3 қисмдан иборат бўлиб, хўжалик, эркаклар ва аёллар ҳовлиларига бўлинган. Бунинг ёрқин намунаси бизнинг кунимизгача сақланиб қолган Убайдулла Хўжаев уйи саналади. Ушбу ҳовлидаги меҳмонхоналар, хоналарнинг сони, катта-ю кичиклиги хонадон соҳибининг жамиятдаги мавқеини белгилаган.

Ушбу даврларда ҳукмдорлар саройлари икки хил вазифани бажарганлиги манбаларда ёзилган. Биринчиси – асосан маъмурий-сиёсий вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, қалъа ёки ҳисор ичига қурилган. Иккинчиси - шаҳар ташқарисидаги қароргоҳлар бўлиб, боғ-роғлар бағрида эди. Бу эрда ҳам қабул маросимлари базм билан ўтган. Бухоро Аркида яшаган

Носирхон Тўра “Таҳқиқот” асарида қароргоҳда жонийлар сулоласи даврида барпо этилган иншоотларни ҳам санаб ўтади.

Аштархонийлар даврига келиб шаҳарсозликда асосан ансамбл шаклдаги тарихий-меъморий иншоотлар қад кўтаришни бошлади ва бу ҳозирги кунда Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмида сақланиб қолган тарихий иншоотларда ўз аксини топади. Улар ўз даври меъморчилигининг улкан ва бетакрор намуналари саналиб, катта ҳажмдаги қурилиш ишлари ушбу даврда ҳам жадал давом этганлигини кўрсатади. Энг қизиқарли жиҳати шаҳарни ободонлаштириш ва янги иншоотларнинг қурилишига сарой амалдорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб, ўз номларини тарих саҳифаларига битиб қўйишди. Меъморчиликда ушбу даврда меъморлар иншоотларнинг қурилишигаалоҳида эътибор беришган ҳамда биноларнинг безак ишларида нақшинкор маёлика аралаш усулдан фойдаланганлар, кўпинча терракота асосида геометрик мозаикани ҳам ишлатишган¹. Аммо сиёсий ва иқтисодий таназзул оқибатида уларда ишлатилган безакларнинг сифати тобора пасайиб бораверган. Ҳозирга қадар сақланиб қолган жонийлар даври масжид ва мадрасалардаги деворий безаклар бунга мисол.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати (Reference)

1. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. - Москва: Искусство, 1982..
2. Бухоро Шарқ дурдонаси. Муаллифлар жамоаси.-Тошкент: Шарқ 1997. - Б. 99.
3. Ўзбекистон тарихий обидаларидаги битиклар. Бухоро/ Муаллифлар жамоаси. -Тошкент: Uzbekistan Today, 2016. -Б. 538.
4. Амонов А. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018.
5. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата) / Перевод с персидского, ввводная статья и примечания: Н.Норкулов. – Т.: 2009 - 330 бет.
6. Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий /Форс–тожик тилидан Нарзулла Йўлдошев таржимаси. - Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. – 343 бет.
7. Temirov F., Umarov B. Practical application of family, marriage and inheritance rights in bukhara emirates // Scientific progress. - 2021. - Т. 2. - №. 1. - S. 1201-1207.
8. Temirov F. Xalikova N. From the history of foreign policy and development of diplomacy in the emirates of bukhara // Scientific progress. - 2021. - Т. 2. - №. 1. - S. 1276-1282;
9. Rajabov O. Qizbibi va Hazrat Bibi manzilgozlari muqaddas qadamjo sifatida / ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
10. Rajabov O. MAHMUD TOROBİY QAL’ASI TARIXI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
11. Rajabov O. BUXOROLIK O’RTA ASR ISLOM SHUNOS OLIMLAR //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
12. Саййид Мансур Олимий. Бухоро –Туркистон бешиги / Сўзбоши, форс тилидан таржима ва айрим изоҳлар муаллифи Н.Тўраев. - Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004.
13. Temirov F. Of the journalistie work of Sadridin Ayni Concerning Issues of Bukhara history. Irish Interdisciplinary of Science & Research (IJSR) Vol.6, Iss.1.Pages,12-17. January-March 2022
14. Раҳимов К. Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таърифу” асари ҳамда унинг IX-XV асрлар Мовароуннахр ва Хуросон тасаввуф манбаларига таъсири. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018

14. Temirov F. PUBLISHING AND LIBRARY ACTIVITIES OF THE TURKESTAN JADIDS. International Journal of Intellectual and Cultural Heritage. Volume: 2 Issue: 01 | 2022
15. Садри Зиё. Наводири Зиёия / Тожик тилидан таржима, кириш, кириш, изоҳлар муаллифи Б.Аминов. – Т.: Bayoz, 2017. – 182 бет.
16. История Бухары. Под редакцией И.Муминова. -Ташкент: Фан, 1976.- Б. 145.
17. Ўзбекистон тарихий обидаларидаги битиклар. Бухоро/ Муаллифлар жамоаси. -Тошкент: Uzbekistan Today, 2016. -Б. 538
- 18, Umarov B. OLIY TA'LIMDA TALABALAR O 'QUV-BILUV FAOLIYATINING PSIXODIDAKTIK ASOSLARI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
19. Umarov B. N.A. KISLYAKOV TADQIQOTLARIDA BUXORO AMIRLIGIDAGI FEODAL VA QISHLOQ XO'JALIGI MUNOSABATLARINING yoritilishi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
- 20, Umarov, B. (2020). БУЮК ОЛИМ НА КИСЛЯКОВНИНГ ПЕДАГОГЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz), 1(1).
- 21, Umarov B. О большой патриархальной семье в хорезмском оазисе и ее изучении //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
- 22, Umarov B. B. FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN NA KISLYAKOV'S RESEARCH //Journal of Central Asian Social Studies. – 2021. – Т. 2. – №. 02. – С. 127-135.
23. УМАРОВ Б. Б. Н.А. КИСЛЯКОВ-ПОПУЛЯРИЗАТОР МУЗЕЕВ И ИСТОРИИ ТАДЖИКСКОГО НАРОДА //ЭКОНОМИКА. – С. 495-497.